

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ: ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Жуманазаров Ферузбек Азамат ўғли

*Абу Райхон Бериуний номидаги Урганч Давлат Университети “Ижтимоий -
иқтисодий фанлар” факултети Ҳуқуқ кафедраси стажор-ўқитувчиси*
leytenant3723@gmail.com

Ҳар бир давлатнинг жинойтчиликка қарши курашиш тизими бошқа мамлакатларникидан муайян, ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Вояга етмаганлар жинойтчилигининг хусусиятлари ва унинг олдини олишга қаратилган ривожланган мамлакатларнинг қонунлар таҳлилини амалга оширишда Америка Қўшма Штатларининг тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади, чунки у ўзига хос тизим ва илғор тажрибага эга давлат ҳисобланади.

Мазкур давлатда вояга етмаганлар жинойтчилигининг олдини олишга қаратилган ўзига хос норматив база шакллантирилган бўлиб, бу борада АҚШнинг “Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари профилактикаси ва судлови тўғрисида”ги²² қонуни (2002 й.) муҳим аҳамият касб этади. АҚШда вояга етмаганлар ҳуқуқларини кафолатлашга оид қонунларнинг кодификация қилинганлиги бу борадаги масалага давлатнинг аниқ позицияси мавжудлигини яққол кўрсатади. Хусусан, Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари тўғрисидаги федерал кодексда²³ вояга етмаганлар томонидан содир этилган жинойт ва ҳуқуқбузарликларни суд тартибида ҳал этиш механизмлари белгилаб қўйилган.

XX асрнинг 90-йилларида мамлакатдаги барча инновацион ресурслар жинойтчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган қуйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олган:

- 1) жинойтчиликни барвақт олдини олишни таъминлаш мақсадида жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлашига эришиш учун полицияни маҳаллий аҳолига яқинлаштиришга қаратилган ижтимоий йўналтирилган ишларни кучайтириш;
- 2) ўта оғир турдаги жинойтлар учун жазо тизимини кескин кучайтириш;

²² Juvenile Justice and Delinquency Prevention Act of 2002 // [Электрон манба]: <https://www.ojjdp.gov/about/ojjdpact2002.html> (мурожаат вақти: 12.11.2019 й.).

²³ Federal juvenile delinquency code // [Электрон манба]: <https://www.justice.gov/jm/criminal-resource-manual-117-federal-juvenile-delinquency-code> (мурожаат вақти: 08.06.2019 й.).

3) оммавий ахборот воситаларида мурасизлик доктринаси бўйича “Жиноят тўхтатиши керак, содир этилган жиноят жазоланади” тамойили юзасидан жамоатчилик фикрини шакллантириш²⁴. Кўрилган чоралар жиноятчиликнинг умумий кўрсаткичи анча камайишига сабаб бўлган.

АҚШда ижобий натижа берган махсус дастурлардан яна бири ёшлар ўртасида гиёҳвандликни олдини олишга қаратилган бўлиб, унинг ёрдамида сўнгги 15 йилда гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчиларнинг кўрсаткичи 50 %га камайишига эришилган. Давлатда гиёҳвандликка қарши курашувчи 3,5 минг жамоатчилик ташкилоти фаолият юритади²⁵. Ушбу давлатда мазкур соҳада самарали фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар улуши ҳам юқорилигини кўриш мумкин. Жумладан, 1991 йилда ташкил этилган “Халқаро ҳаётини мослаштириш (International life skills)” ташкилотига дунёнинг 27 та (жумладан, Австралия, Канада, Хитой, Германия, Франция, Италия) давлатлари аъзо бўлиб, мазкур дастур ёшларнинг ҳаётини билимларини шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган²⁶.

Ўрганилаётган йўналишдаги ривожланган мамлакатлар (шу жумладан, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Австралия) тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлиги уларда татбиқ этилган махсус дастур ҳамда лойиҳаларга бевосита боғлиқдир. “Қўшнилар назорати (neighborhood watch)”, “Жиноятчиликни тўхтатамиз (crimes toppers)”, “Ташқи муҳитни ташкил этиш орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикаси дастури (Crime prevention through environment design (broken window) (Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташқи муҳитдан кузатув остига олиш (синиқ ойналар)”, “Safety City (Хавфсиз шаҳар)” каби дастурлар шулар жумласидан бўлиб, бугунги кунда амалиётда ижобий натижалар бериб келаётганлигини кузатиш мумкин²⁷.

Бу каби дастур ва лойиҳаларнинг амалиётга татбиқ этилиши ўз хусусиятига кўра барча мамлакатлар амалиётида ижобий натижа бериши шубҳасиз. Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан “Хавфсиз пойтахт”, “Хавфсиз шаҳар”, “Хавфсиз туризм” дастурий комплекси ишга туширилди.

Юқоридаги давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикасида ҳам узок муддатга (2021–2026 йилларга) мўлжалланган “Вояга етмаганлар ўртасида

²⁴ Гордеев А.Ю. К вопросу о положительном опыте предупреждения преступлений в зарубежных странах // *Matters of Russian and International Law*. – 2017. – Vol. 7. – P. 117.

²⁵ Кицул И.С., Перфильева Н.В. Отечественный зарубежный опыт профилактики наркомании среди населения // *Сибирский медицинский журнал*. – 2005. – № 5. – С. 6.

²⁶ Менделевич В.В., Муганцева Л.В. Распространенность наркомании среди подростков в Российской Федерации // *Наркология*. – 2003. – № 6. – С. 2–6.

²⁷ Головкина А., Потоцкий Н. Зарубежный опыт разработки программ профилактики правонарушений // [Электрон манба]: <https://pandia.ru/text/78/094/83215.php> (мурожаат вақти: 18.01.2020 й.).

назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ривожлантириш концепцияси”²⁸ни ҳамда уни ҳаётга татбиқ этиш бўйича йўл харитасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Ушбу концепциянинг қабул қилиниши 2026 йилга бориб вояга етмаганлар жиноятчилигининг нафақат умумий динамикаси ва даражасини пасайишига эришамиз қолаверса вояга етмаганлар жиноятчилигининг тузилишида ҳам сезиларли камайишга эришилади, шунинг билан бирга вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний маънафатларининг юқори савияда таъминланишига эришилади, деб ўйлаймиз.

Францияда “Болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш тўғрисида”ги қонун (2007 й.) билан болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари кузатилганда тезкорлик билан давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш лозим эканлиги белгиланган. Ушбу маълумотларни била туриб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бермаган шахслар 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиниши ёки 45 минг евро миқдорида жарима солиниши мумкин²⁹. Бундан ташқари, Францияда бир қатор аёллар ёки вояга етмаганлар мурожаат қилиши мумкин бўлган марказлар мавжуд бўлиб, уларга мурожаат қилиш учун “3919-ишонч телефони”га қўнғироқ қилиш амалиёти мавжуд. Агарда, оиладаги ҳолат шуни талаб қилса, зўравонлик қурбонига ташкил этилган уйларга бориб яшаш таклиф қилинади³⁰.

Германияда вояга етмаганлар жиноятчилигининг хусусиятлари ва унинг олдини олишда уларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилиб, мазкур тизимнинг ҳуқуқий механизмлари яхши йўлга қўйилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, бунини “Болалар ва ёшларга ёрдам тўғрисида (Kinder – und Jugendhilfegesetz – KJHG, 11 §)”ги қонуннинг асосий мақсади “Болага кудуққа тушиб кетишидан аввал ёрдам бер!”³¹ шiori эканлигидан ҳам англаш қийин эмас. Қонунга асосан тарбиявий аҳволи оғир бўлганлар билан ишловчи ташкилот ва муассасалар тизими белгилаб берилган бўлиб, мазкур тузилмаларнинг иш фаолияти натижалари оилаларга кўрсатилаётган

²⁸ «Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини 2025 йилгача такомиллаштириш концепцияси» лойиҳаси. Диссертацияга илова қилинган.

²⁹ Астанов И. Оиладаги зўравонликнинг сабаб ва шароитлари, профилактикаси ҳамда хорижий тажриба // Оилалардаги зўравонликларнинг сабаб ва шароитлари, профилактикаси ҳамда хориж тажриба: республика илмий-амалий конференцияси материаллари. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2017. - Б. 51.

³⁰ Муродов А.Ш. Ички ишлар органларининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси – Т., 2019. – Б. 100.

³¹ Калинкина М.Ю. Государственная политика Германии в сфере социальной и молодежной работы // Образование за рубежом. – 2015. – № 5. – С. 118, 121.

ёрдамнинг ҳажми ва кўлами асосида баҳоланади. Мазкур тизим ижтимоий-психологик ва ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш билан шуғулланади³².

Германияда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланувчи хизмат “Тартиб сақлаш полицияси” деб номланиб мамлакатнинг ҳар бир ўлкаси ўз қонунчилиги ва идоравий ҳужжатларига амал қилса-да, тартиб сақлаш полициясининг фаолияти ҳамма ўлкаларда бир хил бўлиб қаровсиз қолган вояга етмаганларни назорат қилиш билан ҳам шуғулланади³³.

Вояга етмаганларга ижтимоий ёрдам кўрсатувчи хизматлар тизимига “кўча ўқитувчиси” деган алоҳида йўналиш киритилган бўлиб³⁴, ушбу тажриба аксарият мамлакатлар полиция тизимида (шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам) мавжуд бўлган вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмалари амалиётидан жиддий фарқ қилади. Хусусан, унга кўра ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигига эришиш муаммоси дастурий ёндашув асосида ҳал этилган. Бунда амалга киритилаётган дастурларда полиция фаолиятини минимал даражага келтириш асосида жорий ташкилий масалаларнинг фуқаролар кучидан фойдаланиш йўли билан ҳал этилиши белгилаб қўйилган³⁵. Мазкур давлатда терроризм, диний экстремизм ва бошқа оғир турдаги жиноятларнинг содир этилишини олдини олишга қаратилган лойиҳаларнинг татбиқ этилиши вояга етмаганларнинг диний оқимлар ғоявий таъсирига тушишининг, улар томонидан жиноий қилмишлар содир этилишини олдини олишда муҳим роль ўйнайди.

Хусусан, шундай дастурлардан бири “Чиқиш (выход)” бўлиб, ушбу фаолият хусусий фондлар томонидан молиялаштирилади. Мазкур гуруҳ аҳолига (асосан ёрдамга муҳтож ёшлар қатламига) кўчиш, иш топиш, ҳатто жиноят шохиди сифатида ўз шахсий маълумотларини ўзгартиришларида ҳам кўмаклашади. Сўнгги 10 йилда 300 дан ортиқ шахслар “Чиқиш” дастури кўмагидан фойдаланган³⁶. Мамлакатда татбиқ этилган муҳим лойиҳалардан яна бири “Competent for Democracy – networks

³² Гофуров Ш.Р. Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида): : юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси – Т., 2019. – Б. 111.

³³ Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие / Якубов А.С., Асямов С.В., Таджиев А.А., Миразов Д.М. – Т., 2010. – С. 323.

³⁴ Социальная работа в Германии // [Электрон манба]: <http://soc-work.ru/article/152>(мурожаат вақти: 11.01.2020 й.).

³⁵ Мороков И.Р. Участие представителей гражданского общества в профилактике безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних: зарубежный опыт // Шестая ежегодная конференция кафедры Истории науки и техники – Екатеринбург: УМЦ УПИ, 2016. – С. 267.

³⁶ Большова Н.Н. Молодежная политика в ЕС: Роль образования в противодействии проявления экстремизма (пример Германии) // [Электрон манба]: https://mgimo.ru/files2/z11_2014/Molodezhnaya-politika-v-EU-rol-obrazovaniya-v-protivodeystvii-proyavleniy-ekstremizma.pdf (мурожаат кати: 11.01.2020 й.).

against right-wing extremism” дастури бўлиб, унинг асосий вазифаси болаларда экстремал (муаммоли) вазиятлардан чиқиш ва уларга қарши курашиш кўникмаларини шакллантириш, кенгайтиришга қаратилган профессионал маслаҳатлар бериб бориш ҳисобланади³⁷. Болаларнинг ғайриқонуний гуруҳлар фаолиятига аралашиб қолишлари ҳамда ижтимоий тармоқларидаги «тақиқланган ҳудудлар»нинг фойдаланувчисига айланишини олдини олишга кўмаклашиш ҳам дастурнинг асосий йўналишларидан биридир³⁸.

Мазкур дастурлар доирасидаги профилактик чора-тадбирлар ўз натижасини берганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Германия жиноятчиликнинг олдини олишни таъминлаш орқали 2017 йилда жиноятчиликни камайишига эришган давлатлар орасида АҚШ (48,7 %), Италия (44,6 %), Франция (43,6 %), Буюк Британия (41,1 %), Испания (32,2 %)дан кейин олтинчи ўринда бўлиб, йил давомида жиноятчиликнинг 32,0 %га камайишига эришилган³⁹. Шу ўринда мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатда ҳам айнан шундай тенденцияни кузатиш мумкин. Масалан, кенг жамоатчиликнинг иштироки билан 2018 йилда умумий жиноятчиликни 36 %га камайитишга эришилган бўлса, 3 минг 205 та ёки 35 %дан зиёд маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмаган⁴⁰.

Ўрганишлар натижалари шуни кўрсатадики, ҳозирда кўпчилик хорижий давлатларда “ювенальное право (вояга етмаганлар ҳуқуқи)” ҳуқуқ тармоғи сифатида эътироф этилган. Таъкидлаш лозимки, хорижий мамлакатларнинг аксариятида вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқувчи алоҳида мустақил тузилмалар фаолияти йўлга қўйилган. Илк бор вояга етмаганлар ишлари билан боғлиқ суд муҳокамаси 1869 йил Бостон (АҚШ)да амалга оширилган. Ушбу тоифадаги ишлар учун дастлабки махсус суд Чикаго (1899 й)да жорий этилган. Мазкур амалиёт кейинчалик бир қатор давлатлар (Ирландия (1904 й.), Нидерландия (1905 й.), Англия (1905 й.), Германия (1908 й.), Австрия (1908 й.), Венгрия (1908 й.), Италия (1908 й.), Португалия (1911 й.), Руминия (1913 й.))да ҳам татбиқ этилган.

³⁷ Хайнц Р., Бюринг О. Молодежь в центре внимания // [Электрон манба]: <https://moluch.ru/archive/106/25303/> (мурожаат қилинган: 11.01.2020 й.).

³⁸ Чекалина А.А. Превенция экстремизма молодежи: опыт Великобритании // [Электрон манба]: <http://cyberleninka.ru/article/n/prevensiya-ekstremizma-molodezhi-opyt-velikobritanii> (мурожаат қилинган: 11.01.2020 й.).

³⁹ Гордеев А.Ю. К вопросу о положительном опыте предупреждения преступлений в зарубежных странах // *Matters of Russian and International Law*. – 2017. – Vol. 7. – P. 116 (115–121).

⁴⁰ Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи. – 2018. – 8 дек.

Хорижий давлатларда вояга етмаганлар судловининг икки асосий модели мавжудлигини қайд этиш лозим:

- 1) англосаксон модели (Англия, АҚШ, Канада, Австралия ва бошқ.);
- 2) минтақавий (континентал) модел (Франция, Германия, Бельгия ва бошқ.).

Улар ўртасидаги асосий фарқ суд прецеденти ҳамда юрисдикциявий қонунчилик ҳисобланади. Англосаксон тизимдаги давлатларда вояга етмаганлар суди фақатгина оғир бўлмаган жиноят ишларини кўриб чиқиш ҳуқуқига эга. Оғир турдаги жиноятлар эса умумий судларда ҳал этилади. Минтақавий моделга асосланган давлатларда вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳар қандай жиноятлар вояга етмаганлар (“ювенал”) судида кўриб чиқилади⁴¹.

Японияда вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишда жамоатчилик билан ҳамкорликка катта эътибор қаратилган, “Акалар ва опалар”, “Ота-оналар ва ўқитувчилар” жамиятлари, ўзини ўзи бошқариш қўмиталари ҳамда полиция билан алоқа пунктлари бу борадаги ҳамкорлиkning тенг ҳуқуқли субъектларидир. Ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишда ўз ўрнига эга бўлган «Акалар ва опалар» жамияти илк марта 1947 йилда Киото шаҳрида талабалар томонидан ташкил этилган. Ҳозирда жамиятнинг минглаб аъзолари мавжуд бўлиб Япониянинг барча ҳудудларида юзлаб маҳаллий жамоалар фаолият олиб боради⁴².

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишни таъминлашда полицияга кўмаклашувчи ота-оналар ва ўқитувчилар жамияти бугунги кунда ҳар бир мактабда ўз ўрнига эгадир. Ушбу жамиятнинг бутун давлат миқёсидаги фаолияти ота-оналар ва ўқитувчилар жамияти Умумяпон Кенгаши томонидан мувофиқлаштириб борилади⁴³.

Умуман олганда, хорижий давлатлар ваколатли тузилмаларининг вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш фаолиятини ўрганиш натижалари, унинг:

- 1) вояга етмаганлар ишлари бўйича одил судлов институти ҳуқуқий асосларини яратиш, ушбу жараёнга янги педагогик технологияларни татбиқ этиш, ижтимоий-ҳуқуқий ва нодавлат тузилмалар фаолиятини йўлга қўйиш;

⁴¹ Ветошкин С.А. Ювенальное право: Учеб.пособие. Екатеринбург, 2008. – С. 142–144.

⁴² Кан Уэда. Преступность и криминология в современной Японии / Пер. с японск. О.А. Белявской. – М.: Прогресс, 1989. – С. 161.

⁴³ Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. д-ри. ... дис. – Т., 2019. – 294 б. Б. 233.

2) вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида асосий ташкилий ва мувофиқлаштирувчи роль ўйнайдиган ихтисослашган судларни ташкил этишга қаратилганлигини кўрсатади⁴⁴.

Россия Федерацияси ҳам вояга етмаганлар жиноятчилигининг хусусиятлари ва унинг олдини олишнинг ўзига хос тизими яратилган давлатлардан бири ҳисобланади. Мазкур йўналишдаги фаолиятни ташкил этишдаги ижобий тенденциялар 2000 йилдан, яъни Россия ҳаётида шахс, жамият ва давлатни жиноий тажовузлардан ҳимояловчи ишончли, самарали ва хавфсиз тизим яратилмагунча кузатилмайди, деган хулосага келингандан кейин кўзга ташланмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мазкур давлатда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг асосий принциплари: ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириб бориш; вояга етмаганлар ўртасида профилактик ишларни мунтазам амалга ошириш; озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатишган шахслар, шунингдек доимий иш ёки яшаш жойи бўлмаган шахсларни ижтимоий мослаштириш; ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари ролини оширишдан иборатдир.

Ўрганишлар ушбу мамлакатда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасини тартибга солиш бўйича етарлича норматив-ҳуқуқий база яратилган деб хулоса қилиш имконини беради. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланган асосий ҳужжат Россия Федерациясининг “Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликлари профилактикаси тизими асослари тўғрисида”ги қонуни (1999 й) ҳисобланади. Унда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари профилактикаси учун масъул субъектларнинг вазифа ва функциялари, ваколатлари, фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда уни таъминлаш механизмлари белгилаб берилган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ҳам ўрганилаётган масала давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Буни сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижаси ҳам яққол тасдиқлайди. Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар органларида ишлайдиган психолог-педагоглар мактабини яратиш, олий ўқув юртларида психолог кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш борасидаги вазифаларнинг белгиланганлиги⁴⁵ бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Хусусан, педагог-

⁴⁴ Бакаев А.А. Система профилактики правонарушений несовершеннолетних. – М., 2004. – С. 193–194.

⁴⁵ Қонун устувор, адолат барқарор бўлса, жиноятчиликка ўрин қолмайди // [Электрон манба]: <http://www.uzlidep.uz/news-of-uzbekistan/3831> (мурожаат вақти: 10.09.2019 й.).

психолог кадрларни тайёрлаш ва улар фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда мактабгача таълим тизимида 2.503 нафар, халқ таълими тизимида 14.272 нафар педагог-психолог кадрлар фаолият олиб бормоқда.

Республиканинг 10 та олий таълим муассасасида “Психология”, 19 та олий таълим муассасасида “Педагогика ва психология” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича 5.717 нафар талаба таҳсил олмоқда. 2017 йилдан бошлаб профилактика инспекторлари ва жамоатчилик вакиллари таълим муассасаларида ёшлар билан ишлаш тизими йўлга қўйилиб, 5.696 та умумий ўрта таълим муассасасида профилактика инспекторлари, 5.328 та умумий ўрта таълим муассасасида эса маҳалла вакиллари таълим хоналари ташкил этилди⁴⁶.

Олиб борилаётган ишлар қўламига қарамасдан соҳада зудлик билан бартараф этилиши талаб этиладиган қуйидаги бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда:

биринчиси, таълим тизимининг барча босқичларида вояга етмаганларнинг психологик ҳолати диагностикасига ихтисослашган психолог кадрлар ҳамда ташкилотлар мавжуд бўлсада, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни амалга оширадиган ягона тузилманинг мавжуд эмаслиги психологик хизматлар фаолияти самарадорлигининг паст даражада қолишига сабаб бўлмоқда;

иккинчиси, таълим муассасаларида профилактика инспекторлари ва маҳалла вакиллари таълим хоналари ташкил этилган бўлса-да, уларнинг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик йўналишлари ҳамда фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизмлари белгилаб берилмаган; *учинчиси*, аҳолига психологик хизмат кўрсатиш етарлича йўлга қўйилмаганлиги оқибатида жамиятда ижтимоий-психологик, жумладан оилавий муаммолар (ажримлар, оиладаги низолар, ота-она ва фарзанд муносабатлари, қариндошлар ўртасидаги никоҳ, эрта туғруқ), “оммавий маданият”нинг салбий таъсирларига тобелик, ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари давом этмоқда.

Аҳолига, айниқса, вояга етмаганларга, уларнинг ота-оналарига сифатли психологик хизмат кўрсатиш, психологик хизмат фаолиятини бошқаришни мувофиқлаштириш, таълим муассасалари билан профилактика инспекторлари ва жамоат вакиллари ўртасидаги ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, психология мактабини ривожлантириш ва олий таълимда тор ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш, психологик марказлар ташкил этишни йўлга қўйиш

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги «Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 472-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.06.2019 й., 09/19/472/3253-сон.

мақсадида таълимнинг барча босқичларида психологик хизмат кўрсатувчи тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда бошқаришни амалга оширадиган Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш республика маркази ташкил этилди.

Умуман олганда, вояга етмаганлар жиноятчилигининг хусусиятлари ва унинг олдини олишга доир ривожланган хорижий давлатлари тажрибасининг ўзига хос хусусиятлари: биринчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлиги уларда татбиқ этилган махсус дастур ҳамда лойиҳаларга бевосита боғлиқлигида; иккинчидан, вояга етмаганлар ҳуқуқларини кафолатлашнинг ҳуқуқий механизмларининг кодификация қилинганлигида; учинчидан, «вояга етмаганлар ҳуқуқи («ювенальное право»)» нинг мустақил ҳуқуқ тармоғи сифатида эътироф этилганлигида; тўртинчидан, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоялаш даражасини ошириш учун вояга етмаганлар ишлари бўйича одил судлов тизимининг жорий этилганлигида намоён бўлади.